



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 16-avgust. Payshanba 97 (31.529) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИНИНГ БИЗНЕС-РЕЖАЛАРИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА



УЙЧИЛИК ДИЛОРОМ БАННОЕВА ТУРЛИ ШИРИНЛИКЛАР, ПИШИРИҚЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЖУДА УСТА. АВВАЛЛАРИ ФАҚАТ БУЮРТМА АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛАРДИ. ЎТГАН ЙИЛИ УНИНГ ШУНДАЙ МАХСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН КИЧИК КОРХОНА ОЧИШ ОРЗУСИ УШАЛДИ. ЎзХДП УЙЧИ ТУМАН КЕНГАШИ ТАКЛИФИ БИЛАН БИЗНЕС-РЕЖА ТУЗДИ ВА ИҚТИСОДИЙ ФОРУМДА ҚАТНАШДИ. ТАДБИР ДАВОМИДА КўПЛАБ ПАРТИЯДОШЛАРИ ҚАТОРИ 5 МИЛЛИОН СўМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА бўлди. УНГА ТИЖОРАТ БАНКИ ВАКИЛЛАРИ МАХСУС СЕРТИФИКАТ ТОПШИРДИ.

(Давоми 2-бетда.)

Партиялараро баҳс

ЎзЛидеП ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР

фақат қозғоз қоралаш учун ёзилганми?

Бу борадаги муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, уларнинг олдини олиш ва барта-раф этиш бўйича аниқ таклиф ҳамда ташаббуслар билан чиқиш, тадбиркор ва ишбилармонлар, озиқ-овқат ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар раҳбарларининг истеъмолчилар олдидаги масъулиятини ошириш, шу бўйича қонун ва қарорлар ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатиш ЎзЛидеП зиммасидаги энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

⇒ 2

Бошланғич ташкилот — асосий таянч!

САФИМИЗ ЁШЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

бу қуйи бўғин ишини жонлантириш, уни том маънода партия таянчига айлантиришнинг муҳим шартидир

Партиянинг жамиятдаги обрў-эътибори амалий ишларда кўринади. Бу жарафанда қуйи бўғин асосий кучдир. Шу боис ҳар бир бошланғич ташкилот етакчиси ва фаоллари ўз ишига масъулият билан ёндашиши талаб этилади.

⇒ 2

«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг!

Партиялараро баҳс:



ДАСТУРЛАР ЧИРОЙЛИ ЁЗИЛГАНДА ЭМАС

ҳаётга татбиқ этилганда наф келтиради

www.uzbekistonovozi.uz



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 15 АВГУСТ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН АҚШ ЎРТАСИДАГИ СИЁСИЙ МАСЛАҲАТЛАШУВЛАРИНИНГ УЧИНЧИ ДАВРАСИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛГАН АМЕРИКА ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ НУFUЗЛИ ДЕЛЕГАЦИЯ РАҲБАРИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА ЁРДАМЧИСИ РОБЕРТ БЛЕЙКНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — АҚШ мулоқоти изчил ривожланиб, мазмунан бойиб бораётганини, ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришга томонларнинг интилишлари муштарак эканини алоҳида таъкидлади. Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг муҳим соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Хусусан, ташки сийёсат маҳкамаларининг мунтазам мулоқотлари, парламентлараро муносабатлар, давлатлараро

даражадаги ҳар томонлама ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат фуқаролик жамияти вакиллари ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз борди. Томонлар Афғонистон ва Марказий Осиёдаги вазиятнинг ривожланиши, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, шунингдек, мамлакатларимиз манфаатларига дахлдор бошқа муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Американин «General Motors», «Boeing», «Lockheed Martin» ва бошқа кўплаб етак-

чи компаниялари иштирокида ушбу соҳада ҳамкорлик бўйича яхши тажриба тўплангани таъкидланди. Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 241 корхона рўйхатга олинган, мамлакатимизга киритилган тўғридан-тўғри АҚШ сармояси ҳажми эса 2 миллиард доллардан ошди. Роберт Блейк Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик ва изчил ривожланиши таъминлашдаги, Афғонистонни тинч йўл билан тиклашдаги ролини юксак баҳолашини, шунингдек, АҚШ Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитишдан манфаатдор эканини таъкидлади. Учрашув якунида давлатимиз раҳбари биринчи марта ҳар икки томондан вазирлик ва идоралар, етакчи иқтисодий тузилмалардан иборат кенг таркибдаги делегациялар иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи давраси доирасидаги музокараларга муваффақият тилади.

ЎЗА

Ўзбекистон ифтихорлари

ВАТАН СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАДИ



КЕЧА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИДА ЛОНДОН (БУЮК БРИТАНИЯ)ДА ЎТКАЗИЛГАН ХХХ ЁЗГИ ОЛИМПИА УЙИНИНГ ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ.

4-бет

ФИДОЙИЛИК БОР ЖОЙДА — МУВАФФАҚИЯТ БОР

КИНО САНЪАТИНИНГ ИНСОН ОНГИ ВА ТАФАККУРИ, ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ БЕҚИЁС. ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА, БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА УСТУВОР ВАЗИФА СИФАТИДА ҚАРАЛАДИГАН МАМЛАКАТИМИЗДА УШБУ СОҲА РИВОЖИ ҲАМ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАДИР. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ — ЎЗА МУХБИРИ МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИМИЗНИНГ БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ, РЕЖИССЁР ЗУЛФИҚОР МУСОҚОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ.

⇒ 3

Бошлангич ташкилот — асосий таянч!

САФИМИЗ ЁШЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

бу қуйи бўғин ишини жонлантириш, уни том маънода партия таянчига айлантиришнинг муҳим шартидир

Бектемир туманида ЎзХДПнинг 2500 нафардан ортиқ аъзо-ни бирлаштирган 64 та бошлангич ташкилоти фаолият юрताди. Уларнинг кўпчилиги партия гоё ва мақсадларини жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бу борада умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш бўйича яхши тажрибага эга. Шундай қуйи бўғинлардан бири «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонасида фаолият юрса-тади.

— Ишимизни тўғри ташкил этиш, унинг самарасини янада ошириш мақсадида туман партия кенгаши фаоллари ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган партиямиз вакиллари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди бошлангич партия ташкилоти етакчиси **Равшан Исоқов**. — Улар биздан ўз ёрдамларини аямаяпти. Бу эса электоратни ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиш, муаммоларни партиямиз юқори бўғинларига олиб чиқиш, маҳаллий Кенгаши сессиялари муҳокамасига ки-



ритиш юзасидан депутатларга таклиф беришда қўл келаяпти.

Хозирда бошлангич партия ташкилотимизда 70 нафардан зиёд аъзо бор. Фаолларимиз туман миқёсида ўтказилаётган барча ижтимоий-сиёсий тадбирларда ташаббуслари билан қатнашиб келади. Энг фаол аъзоларимизни мунтазам рағбатлантириб бора-миз. Яқинда нишонланган темир йўлчиларнинг касб байрами муносабати билан туман партия кенгаши фаоллари заводга ташриф бу-

юриб, ютуқларимизда муносиб ҳиссаси бўлган аъзоларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширди. Улар орасида йўғув цехи бошлиғи Алишер Отажонов, чилангар Мамирбой Асиллов, Гулчехра Курбанова ва Улбосин Нурумбетова каби тажрибали мутахассислар бор.

— Сўнгги пайтларда сафимизга қўшилаётган ёшлар сони ортиб бора-япти, — дейди бошлангич ташкилот фаоли **Фарход Илхомов**. — Шу боис ўтказилаётган йўғилиш-

лар, ўқув-семинар ва давра суҳбатлари жонли, баҳс-мунозараларга бой бўлмоқда. Бунда сиёсатшунос, ҳуқуқшунос ва бошқа соҳалар мутахассислари, шу жумладан, депутатлар иштирокида алоҳида эътибор қаратилаёпти. Энг муҳими электорат мафзага олиб боғлиқ масала муҳокама этилаётганда ҳар бир аъзо ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилади.

Ўтган йили «Ёш сиёсатчи» кўриктанловида муваффақиятли иштирок этшимда бу ерда тўплаган тажрибам катта ёрдам берган. Ҳозир тенгдошларимизнинг фаоллиги, дунёқарашини кенгайтириш, мамлакатда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр алмашиш мақсадида ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Қуйи бўғин фаолиятини янада жонлантириш, уни том маънода партия таянчига айлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири шу.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИНИНГ БИЗНЕС-РЕЖАЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Кредит маблағидан ўринли фойдаланиб, дастлаб, 4 нафар кишини ишга жалб этди. Ишбилармон аёл бу билан чеклангани йўқ. Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, гултувакларни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишга киришди. Хуллас, бугунга келиб у раҳбарлик қилаётган «Рустам ривож» хусусий корхонасида жами 11 киши доимий иш билан таъминланди.

Дилором сингари ЎзХДП ёрдами билан бизнес-режа ишлаб чиқиб, банкдан имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлганлар кўп ва уларнинг фаолияти, эришган на-

тижаларидан руҳланиб, партияга мувожаат этаётганлар сони тобора ортиб бора-япти.

Бундан кўриниб турибдики, партия Марказий Кенгаши ташаббуси билан Марказий банк, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий-муҳофаза қилиш вазирлиғи, Давлат солиқ қўмитаси, «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказиб келинаётган ижтимоий-иқтисодий анжуманлар ўз иши ва оилавий бизнесини бошлаш ниятида юрган электорат вакиллари учун аини мудоао бўлаяпти.

Яқинда Наманган вилоятининг Янгикўрғон туманида ўтказилган навбатдаги анжуманда яна 18 нафар ўз иши-

ни ташкил этишда бошлангич сармояга муҳтож киши-

га 3 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача бўлган миқдорда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Тадбир доирасида ЎзХДП туман кенгаши ва туман бандаликка кўмаклашиш ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 61 та корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари 487 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркада 280 нафар киши аниқ шўри учун йўлланма олди. Уларнинг 200 нафарга яқинини касбухона коллежларини тамом-

лаган ёшлар ташкил этди.

— Наманган педагогика коллежини битирдим, — дейди Умида Якубова. — Коллежда тузилган уч томонлама шартнома асосида иш жойим тайин бўлган эди. Аммо у уйимдан анча олисда бўлгани боис, бироз ноқулайлик туғдирди. Шунинг учун ярмаркага келиб, бошқа иш ўринлари билан танишдим. Янгикўрғон агроиқтисодиёт коллежига кимё лаборанти бўлиб ишлашга йўлланма олдим.

Иқтисодий форумда партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, Марказий банк вилоят бошқармаси вакили Акрамжон Солиев, Янгикўрғон туман ДСИ юридик шахслар-

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎзЛиДеП дастурида белгиланган вазифалар

фақат қовоз қоралаш учун ёзилганми?

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕТИШТИРАЁТГАН ДОН, МЕВА, ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА ИХТИСОСЛАШГАН МИНГЛАБ КАТТА-КИЧИК КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ МИКЁСИДА ОЛАДИЯН БЎЛСАК, АВВАЛЛАРИ ФАҚАТ ҚАРШИ ВА ШАҲРИСАБЗ ШАҲАРЛАРИДА ГЎШТ ВА СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДЛАРИ БОР ЭДИ, ХОЛОС. АЙНИ ПАЙТДА БИРГИНА ШАҲРИСАБЗДА 30 ДАН ЗИЁД КИЧИК КОРХОНАДА ГЎШТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

Қашқадарэ синов ва сертификатлаштириш марказининг маълум қилишича, ҳозирда вилоятдаги 500 дан ортиқ корхонани замон талаблари асосида модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда. Шулардан 60 таси маҳсулотларни экспорт қилиш имконига эга. 27 та корхонада халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифат менежменти ва сертификатлаштириш тизимлари босқичма-босқич жорий қилинган. Яна 19 тасида бу борада тайёргарлик ишлари кетмоқда.

Аммо қўлга киритилаётган ва юртимиз иқтисодий тараққиётига муносиб улуш бўлиб қўшилаётган бу каби ютуқлар билан бирга, баъзи камчиликлар ҳам борлигидан кўз юма олмаيمиз.

Қашқадарэ вилоят Давлат сани-

тария-эпидемиология назорат маркази бўлим бошлиғи Иззатилла Зайналовнинг айтишича, шу йилнинг 4 ойи мобайнида 6 та туз қадоқловчи корхонада режадан ташқари текшириш ўтказилиб, 6 нафар масъул шахсга нисбатан маъмурий чора қўлланилган, 2 та корхона фаолияти вилоят хўжалик судининг қарори билан вақтинча тўхтатилган. Шунингдек, танлаб олинган 254 та ош тузи намунасида йод белгиланган меъёрдан анча пастигга аниқланган...

«Сертификатлаштириш тартибларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни тақомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қароридан барча турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мажбурий серти-

фикатлаштирилган ҳолда савдога чиқариш белгиланган.

Афсуски, ҳозирги кунда савдо дўконлари ва бозорларда нон, қандолат, сут ва гўшт маҳсулотлари, шунингдек қуйма музқаймоқ, газланган сув, морс, квас, қадоқланмаган кунгабоқар пастаси ҳамда бошқа шу каби маҳсулотлар ҳеч қандай ёрликларсиз, хавфсизлик ва сифатни кафолатловчи мувофиқлик сертификатларисиз сотилмоқда. Яъни, истеъмолчилар ҳаммаша ҳам сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилаётгани йўқ. Эпидемиологик аҳамияти юқори бўлган бундай озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш турли кўнгилсизликларга, хусусан, юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Бу борадаги муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ҳамда ташаббуслар билан чиқиш, тадбиркор ва ишбилармонлар, озиқ-овқат ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар раҳбарларининг истеъмолчилар олдидаги масъулиятини ошириш, шу бўйича қонун ва қарорлар ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатилиши ўзЛиДеП зиммасидаги энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Бу — бежиз эмас. Либерал-де-

мократик партиямиз Сайловолди дастурида мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтириш, қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш учун мумкин қадар қулай шарт-шароитлар яратиш ўзЛиДеПнинг устувор йўналишларидан бири эканига катта уруғ берилган. Жумладан, унда: «... Партия нафақат экспортга маҳсулот етказиб беришни уюштиришда балки етиштирилган ва қайта ишланган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштиришда рўй берадиган расмиётчилик ҳолатларига чек қўйиш борасида ҳам иш олиб боради», деб алоҳида таъкидланган.

Мақсад — ниҳоятда олижаноб. Аммо ваъда бажарилиши билан қийматли. ЎзЛиДеП эса Сайловолди ваъдаларини бажаришга шошилмаяпти. Назаримизда улар бировларнинг ишини ўзлаштириш учун қулай фурсат қутишмоқда. Биз вилоятнинг Қарши шаҳар ва Шаҳрисабз туман халқ депутатлари Кенгашиларидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳлари фаолияти билан танишганимизда, улар 2011 йилда ва жорий йилнинг шу даврига қадар мазкур долзарб масалани бирон-бир сессия муҳокамасига олиб чиқма-

ганига амин бўлдик.

Нега? Балки либераллар инсон саломатлиги ва мамлакат иқтисодиёти билан боғлиқ бу муаммо ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масалалардан эмас, деб ўйлаётгандир!? Шундан бўлса керак, улар стандартлар ва сертификатлаштириш борасидаги қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини ўрганиш, бу борадаги суний тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашиш масаласига етарли эътибор қаратишмаяпти.

Масаланинг эътибордан четда қолаётган яна бир муҳим жиҳати шундаки, вилоятда саноат корхоналари ишлаб чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотлари асосан ички бозорни тўлдираяпти. Шунинг учун ҳам ўз маҳсулотини экспортга йўналтиришга интилаётганлар билан бир қаторда, ички бозорни таъминлаётган ишбилармонлар мувофиқлик сертификатларини тез ва қулай шароитда олишлари учун кўмак бериши лозим. Афсуски, бу борада ҳам ЎзЛиДеПнинг ҳеч қандай амалий ҳаракати кўринмаяпти...

Бундан ташқари, юртимизда «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида» Қонун қабул қилинган. Бу ҳуқуқий ҳужжат — тадбиркор фақат сертификат олишни эмас, балки сифатли маҳсулот чиқаришни ҳам ўйла-

лар билан астойдил ишлаши, уларнинг таклиф ва ташаббусини қўллаб-қувватлаши, ўрни келганда рағбатлантириши керак. Шунингдек, тадбирлар фақат марказда эмас, кўпроқ чекка ҳудудларда, бошлангич ташкилотларда олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу орқали электорат билан бевосита мулоқот қилиш имконияти кенгайди.

Семинарда, шунингдек, депутатлар ўрни беқиёс, — дейди **Корақул туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Файзулло Бебутов**. — Шу боис партия кенгаши қуйи бўғин-

лар билан астойдил ишлаши, уларнинг таклиф ва ташаббусини қўллаб-қувватлаши, ўрни келганда рағбатлантириши керак. Шунингдек, тадбирлар фақат марказда эмас, кўпроқ чекка ҳудудларда, бошлангич ташкилотларда олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу орқали электорат билан бевосита мулоқот қилиш имконияти кенгайди. Семинарда, шунингдек, депутатлар ўрни беқиёс, — дейди **Корақул туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Файзулло Бебутов**. — Шу боис партия кенгаши қуйи бўғин-

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП маҳаллий Кенгашиларида

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

ЎзХДП НАВОИЙ ШАҲАР КЕНГАШИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ВИЛОЯТ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ШУ МАВЗУДА ТАДБИР ЎТКАЗДИ.

Унда шаҳарда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, жисмоний имконияти чекланган фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, шу орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида қилинаётган ишлар таҳлил этилди.

Сўзга чиққанлар бу борада партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг фаолияти талаб даражасида эмаслигига эътибор қаратишди. Бу борада бошлангич партия ташкилотлари ва депутатлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли орасига чуқур кириб, одамларни таш-

вишга солаётган масалаларни ўрганиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясига оид таклиф ва ташаббуслар билан чиқиш жуда муҳим экани таъкидланди. Шунингдек, мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик асосидаги ҳамкорликни янада қучайтириш зарур.

Тадбир сўнггида ўтказилган акцияда шаҳарда истиқомат қилувчи 55 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди, уларга зарур дори-дармон тарқатилиб, ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Рустам ХАЙИТОВ

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН

электорат билан ишлашни тақомиллаштириш зарур

ЎзХДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ РАИСЛАРИ, ДЕПУТАТЛАР, «ФАОЛ АЁЛЛАР» ВА «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Таъкидландики, электорат билан ишлашнинг ташкилий асосларини мустаҳкамлаш учун аввало, партия кенгашилари, депутатлар ва бошлангич ташкилотлар ўртасида узвийлик бўлиши лозим. Шундан, электоратни ўйлантираётган масалалар ечимига қаратилган ташаббуслар кўпаяди.

— Сиёсий партиямизнинг ўз олдида кўйган гоё ва мақсадларига эриштиришда бошлангич ташкилотлар ўрни беқиёс, — дейди **Корақул туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Файзулло Бебутов**. — Шу боис партия кенгаши қуйи бўғин-

лар билан астойдил ишлаши, уларнинг таклиф ва ташаббусини қўллаб-қувватлаши, ўрни келганда рағбатлантириши керак. Шунингдек, тадбирлар фақат марказда эмас, кўпроқ чекка ҳудудларда, бошлангич ташкилотларда олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу орқали электорат билан бевосита мулоқот қилиш имконияти кенгайди. Семинарда, шунингдек, депутатлар ўрни беқиёс, — дейди **Корақул туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Файзулло Бебутов**. — Шу боис партия кенгаши қуйи бўғин-

Шахло БАКАЕВА

Партиялараро баҳс

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига

ФИДОЙИЛИК БОР ЖОЙДА — МУВАФФАҚИЯТ БОР

— Мамлакатимизда миллий кинематографияни ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди З.Мусоқов. — Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 16 мартда қабул қилинган «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаёти, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.



Бу борадаги ишлар самарасида янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда. Киноижодкорларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида танлов ва фестиваллар ўтказилиб, ўзбек кинофильмлари нуфузли халқаро фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётди.

Кино санъатида миллий фильмларимиз салмоғи ошди, соҳага жадал қилиб келган бозор муносабатлари асосида кино-видеофаолият соҳасида янгича мулкчилик шаклидаги корхона ва киностудиялар ташкил топди. Буларнинг барчаси миллий киноиндустрия изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Фильмларингизга назар ташласак, уларнинг мавзу доираси кенглишига гувоҳ бўламиз. Сизни ушбу мавзуларга ундайдиган, сизга илҳом бағишлайдиган омил нима?

латга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мен ҳам иждодкор сифатида бу жараёнга ўз ҳиссамни қўшиш, ёшларимизга миллий ўзлигини танитадиган, халқимизнинг ҳеч қимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини кўрсатадиган фильмлар яратилиши бурчим, деб биламан.

Менга илҳом бағишлайдиган яна бир омил камтарона меҳнатим давлатимиз, халқимиз томонидан қўллаб-қувватлаб келинаётганидир. «Абдуллажон», «Бомба», «Қинкина табиб», «Осмондаги болалар», «Ватан», «Кўргошин» каби картиналаримни томошабинлар яхши кўтиб олганидан хурсандиман. Бу менга ҳам қувонч, ҳам масъулият ўқлайди.

«Кўргошин» янги асрда яратилган энг яхши ўзбек фильми, деб баҳоладиган, «Олтин гепард» биринчи Ташкент кинофорумида бош совринга сазовор бўлди. Бундай муваффақиятнинг сабаби нимада?

— Кўп йиллардан бери битта орауим бор эди. У ҳам бўлса, миллатимиз илдиригига болта урган қатагон йиллари ҳақида фильм қилишни ўйлаб юрар эдим. Шу муносабатимни «Кўргошин» фильмим орқали ифода этишга уриндим. Унда ўтган асрнинг эллигинчи йилларидаги қатагон фожиалари қанчалар беғуноҳ боболаримизнинг, бувиларимизнинг ҳаётини фожиага айлантиргани ҳикоя қилинади. Фильм шу кунгача тўрт кинофестивалда совринли ўринларни қўлга киритди.

Бундай муваффақиятларимда, иждодкор сифатида шаклланишимда устозларим, иждод-

кор дўстларимнинг хизматлари бекиёс. Мен доимо юксак иқтидорли, фидойи инсонлар билан мулоқотда бўлишга ҳаракат қиламан. Рихсвий Мухаммаджонов, Жаҳонгир Қосимов, Баҳодир Одилов сингари санъаткор дўстларимдан миннатдорман.

Яқинда Шерзод исми йигит атай мени қидириб келибди. «Ака, сиздан иш ўрганмоқчиман, қанча қийинчилик бўлса майли, шоғирдикка олинг», деди. Ёшларимиз орасида бундай фидойи йигит-қизлар кўп-лигидан доим фахрланаман. Зеро, фидойиллик бор жойда муваффақият бўлади.

Киностудиялар ўртасидаги рақобат, бугунги иждодий жараёнда ҳақида нималар дея оласиз?

— Биласизми, эски тузум замонида Ўзбекистонда бор-йўғи биттагина — «Ўзбекфильм» киностудияси бўларди. Бадиий фильмни суратга олиш учун маблағни-ку кўйверинг, ҳатто сценарийдан то декорациянинг рангига «марказ»дан тасдиқланар эди. Кўп ҳолларда эса «марказ»да сифатсиз, деб топилган, на миллий руҳимизга, на урф-одатларимизга тўғри келадиган сценарийлардаги исми-фамилиялар «Ўзбекчалоштирилиб», «марказ»дан келган режиссёрлар томонидан фильмлар суратга олинарди.

Истиқлолимиз биз, киноижодкорларга берган энг буюк имконият ана шундай зугумдан халос бўлганимиз, фильмларни суратга олишда собиқ тузумга ҳос давлат монополиясига барҳам берилиб, мамлакатимизда кўплаб, жумладан, хусусий киностудиялар самарали фаолият юритаётганидир.

Иждодий ҳамкорлик ва рақобат муҳитининг кенгайгани ва кучайганидир. Ранг-баранглик, танлаш имкониятининг кенглиги иждодий юксалишга хизмат қилади.

Миллий кино санъатимизда давр билан ҳамнафаслик руҳи кучайиб бораётганини ҳақ таъкидламоқ лозим. Давлат ва хусусий студиялар бозор муносабатларига дадил қадам қўйди. Улар иждода замонавий йўналишларга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бу — жуда яхши. Лекин яратилаётган фильмларнинг ҳаммасини ҳам юксак савияли, дейиш қийин. Айна пайтда бундан лабимизга учуқ тошмаслиги, уни табиий жараён, деб қабул қилишимиз зарур. Зеро, дурдона асар ҳар кунни дунёга келавермайди. Аммо «якка отнинг чанги чиқмас», деган нақл ҳам беҳуда айтилмаган. Масалан, дунёга машҳур «Голливуд» (АҚШ) билан «Болливуд» (Хиндистон)да ҳар йили суратга олинган минглаб фильмларнинг ҳаммасини ҳам юксак савияли дейиш қийин.

Айна пайтда, савиясиз паст, дидсиз фильмларнинг пайдо бўлишига кинотанқидчиликнинг оқсаётгани ҳам сабаб бўляпти, деб ўйлайман. Оддий бир фильм суратга олиш учун қанча куч, маблағ кетади. Аммо янги асар ҳақида матбуотда нари борса, уч-тўрт сатр хабар ёзилади. Телевидениеда ҳам шундай. Кинога бағишланган кўрсатувларнинг шакли ҳар хил бўлгани билан мазмун деярли бир хил — асарга танқидий ёндашув ва энг муҳими, чуқур таҳлилни учратиш қийин.

Айна пайтда ҳақон кино дурдоналари хазинасидан ўрин олган мумтоз миллий фильмла-

римизни қанча кўп томоша қилсак, шунча яхши. «Тоҳир ва Зухра», «Ўтган кунлар», «Сен етим эмассан», «Маҳаллада дув-дув гап» каби фильмларимиз нафақат халқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Худойберди Девонов, Наби Фаниев, Йўлдош Аъзамов, Комил Ёрматов, Лутфиқоним Саримсоқова, Олим Хўжаев, Шуккур Бурҳонов, Обид Жалилов, Қудрат Хўжаев каби мумтоз санъаткорларимизнинг ижоди ва фаолияти ҳақида кўпроқ кўрсатувлар қилина, таҳлилий мақолалар ёзила, фойдадан холи бўлмайди.

Миллий киноиндустриянинг истиқболлигининг қайси омилларга боғлиқ? Бу жараён киноижодкорлар зиммасига қандай вазифалар юклайди, деб ўйлайсиз?

— Миллий кино санъатимизда яқин тарихимизга мурожаат қилиб, уни бадиий идрок этишга эҳтиёж кучаяётгани қувонарли. Кейинги йилларда халқаро кинофестивалларда совринли ўринларни эгаллаб келаётган талай фильмлар халқимизнинг маънавий илдиригари бақувват эканини ҳақонга намён этди. Шу билан бирга, янги давр маънавиятига монанд баркамол инсон тарбиясига бағишланган фильмлар яратиш ўзбек киноиндустриясида энг муҳим вазифаларидандир.

Мамлакатимизда санъатнинг бошқа соҳалари қатори кино санъатининг ривожланиши учун ҳам барча имкониятлар мавжуд. Кинорежиссура, кинодраматургияда устоз-шоғирдик аъёнлари давом этипти. Давлатимиз томонидан халқимиз эстетик эҳтиёжларига мос юксак малакали кадрларни тайёрлаш иши қаратилган доимий эътибор тўғрисида санъатимиз янги истеъдодлар билан бойиб бораётди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон давлат санъати ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга. Қарорда маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти аъёнларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаш юксак малакали мутахассисларни тайёрлашга амлақда эътибор қаратилгани мамлакатимизда кино санъатини ҳам янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Биз, киноижодкорларнинг бу жараёндаги вазифамиз миллий кино санъатимизни ғоявий ва бадиий юксак даражага олиб чиқиш, бу йўлда тинмай изланиш ва меҳнат қилишдир.

ЎЗА муҳбири Матназар ЭЛМУРОДОВ сўзлашди.

Хориж УММОНЛАР САТҲИ

7 метрга кўтарилди, агар...

Сунғий йўлдош орқали Гренландия музликларини кузатиш шуни кўрсатдики, оролдаги муз қопламнинг 97 фоизга яқини эрий бошлаган.

Аслида 1,7 миллион квадрат метрдан зиёд майдонни эгаллаган муз қопламнинг ярмига яқини ҳар йили ёз ойларида эрийди. Бу йил эса...



Мутахассисларнинг айтишларича, агар Гренландия музликлари тўлиқ эриб кетса, уммонлар сатҳи 7 метрга кўтарилиши юз беради. Бу ҳолат глобал сув тошқинларига сабаб бўлиши мумкин.

6 МИЛЛИОН КАШАНДА

ҳар кун 8 миллион доллар сарфлайди

Тамаки чекишни тақиқлаган давлатлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Энди улар орасига Саудия Арабистони ҳам қўшилди. Яъни, мазкур мамлакатда жамоат жойларида чекишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Аслида тақиқлов аввалдан қўлланиб келинган, фақат унинг доираси тор бўлиб, аэропортлардагина чекиш ман этилган. Энди давлат идоралари, ресто-

ран, кафе, супермаркет ва савдо марказлари, одамлар гавжум бог ҳамда хиёбонларда ҳам тамаки чекиш қатъиян тақиқланди. Маълумотларга қараганда, Саудия Арабистони чекувчилар сонининг кўпчилиги билан дунёда тўртинчи ўринда турарди. Мамлакатда 6 миллион кашанда тамаки маҳсулотларини ҳар кун 8 миллион АҚШ долларини чекиш ман этилган. Энди давлат идоралари, ресто-

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ

қулаб тушди

Кучли ёмғир оқибатида Буюк Хитой деворининг ўттиз олти метр қисми қулаб тушди.

Ушбу ҳодиса мамлакатнинг Хэбэй туманида содир бўлган. Қулаган девор атрофидаги жойларда катта ёриқлар пайдо бўлган. Айна пайтда иншоотни қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Маълумот ўрнида шуни ай-

тиш жоизки, Хитойда сўнгги бир ой давомида ёққан тинымсиз ёмғир оқибатида Пекин шаҳри ва Хэбэй туманида юздан зиёд одам ҳалок бўлган, йигирмадан ортиқ одам бедарак йўқолган.



Реклама Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

мамлакатимиз аҳолисини Мустақилликнинг 21 йиллиги билан муборакбод этади ва миллий валютадаги янги муддатли омонат амалга киритилганини маълум қилади:

«ИСТИҚЛОЛ»


- ❖ сақлаш муддати — 3 ой;
 - ❖ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
 - ❖ фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- Омонатга маблағ 2012 йилнинг 20 августидан 1 октябрга қадар қабул қилинади.

Ҳамда миллий валютадаги омонатнинг муддати узайтирилганини маълум қилади:

«ХАЗИНА»

- ❖ сақлаш муддати — 5 ой;
- ❖ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- ❖ фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлашувисиз тўланади;

Омонатга маблағ 2012 йилнинг 31 декабрга қадар қабул қилинади.



Жамғармалари бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлими, филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com
Хизматлар лицензияланган

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ «ТЕРМИЗ НЕФТЬ БАЗА» УНИТАР КОРХОНАСИ

қўйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани «Сариқаш» ҚФЙда 150 бош йирик шохли қорамолга мўлжалланган мажмуа қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 5618,807 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 4682,339 млн. сўм, қурилиш муддати — 12 ой.

Буюртмачи: «Термиз нефть база» унитар корхонаси. **Манзили:** Термиз шаҳри, ат-Термизий кўчаси, 5-уй, **Тел/факс:** (8-376) 226-19-33.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш «Ўзнефтмаҳсулот» АК томонидан «Термиз нефть база» унитар корхонасига ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдосида қатнашиш учун талабдорлар қўйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий маъна, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий

чилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитек» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти худудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўпала танлов ҳужжатларининг нархи — 150 000 сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Ўзбекистон ифтихорлари

ВАТАН СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАДИ

БУТУН ДУНЁ АҲЛИНИ ҲАЯЖОНУ ҲАЙРАТГА СОЛГАН МУСОБАҚАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ҲАМ ЧИНАКАМ МАҲОРАТ КЎРСАТИБ, УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИТТА ОЛТИН ВА УЧТА БРОНЗА МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР. УЛАРНИНГ ГАЛАБАЛАРИ ШАРАФИГА МАДҲИЯМИЗ ЯНГРАБ, ВАТАНИМИЗ БАЙРОҒИ САРБАЛАНД БЎЛДИ.

14 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш ишига қўшган ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон олимпиадалари бронза медали совриндори **Ришод Собиров**, эркин кураш бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси, ёзги Олимпия ўйинларининг кумуш ва бронза медаллари совриндори **Сослан Тигиевлар «Ўзбекистон ифтихори»**, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, икки карра жаҳон чемпиони, Лондон олимпиадаси бронза медали соҳиби **Аббос Атоев эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»**

фахрий унвонлари билан тақдирландилар. Шунингдек, эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон олимпиадалари бронза медали совриндори **Ришод Собиров**, эркин кураш бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси, ёзги Олимпия ўйинларининг кумуш ва бронза медаллари совриндори **Сослан Тигиевлар «Ўзбекистон ифтихори»**, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, икки карра жаҳон чемпиони, Лондон олимпиадаси бронза медали соҳиби **Аббос Атоев эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»**

эди. Лекин у кўнглини чўктирмади. Мусобақаларга пухта тайёрланди. Биз барча оила аъзоларимиз билан унга далда бўлдик. Бундан бир неча йил илгари унга уйлантириш ниятида эканлигимизни айтсак, рози бўлмади. Аббос ўшанда аввал олимпиада медалини қўлга киритай, кейин уйланаман», деб туриб олганди. Унинг Лондондаги галабаси катта тўйнинг бошланishi.

Армен БАГДАСАРОВ, дзюдо бўйича Атланта олимпиадаси кумуш медали совриндори, Республика жўжақураш спорт турлари олий маҳорат мактаби директори:

— Мамлакатимиз дзюдочиларидан бундан-да кўпроқ медал кутгандик. Аммо яқунда улар битта бронза медали билан кифояла-



Абду Абдуллаев (УзА) олган суратлар.



жамоаси бош мураббийи:

— Артур Таймазов ўсиб келаётган ёш курашчиларимизга халқаро майдонларда қандай курашиш кераклигини кўрсатиб қўйди. Кунни кеча пойтахтимизда Артур Таймазов эркин кураш академиясига асос солинганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Юртимиз иқтидорли ёшларга жуда бой. Келажақда уларни жаҳонга танитишда, Ва-

танзимиз доврўғини дунёга ёйишда бу масканнинг ҳиссаси катта бўлишига шубҳам йўқ.

Мурод АЛИЕВ, Республика Олимпия захиралари спорт коллежи директори:

— Олимпиадада қатнашиш — ҳар бир спортчининг энг катта орзуси. Ана шундай нуфузли мусобақада коллежизимизнинг ўн етти нафар ўқувчиси спортнинг етти тури бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Гарчи, улар Лондон олимпиадаси совриндорлари сафидан ўрин олмаган бўлса-да, жаҳоннинг етакчи спортчиларига муносиб қаршилик кўрсатганликлари билан фахрланаман. Жумладан, бокс бўйича рингга кўтарилган Жасурбек Латипов (52 кг) ҳамда Уктамжон Раҳмонов (60 кг)ларнинг чиқишлари мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. Умид қиламизки, бу каби ёш ва истеъдодли спортчиларимиз кел-

гусида албатта, ўз сўзларини айтадилар.

— Лондон олимпиадасида футбол ўйинларини бошқарушнинг ўзига хос масъулияти бор, — дейди Равшан Эрматов. — Мусобақалар давомида менга ФИФА лэйсменлари, ҳамюртимиз Абдухамидулло Расулов ҳамда Баҳодир Қўчқоров (Қирғизистон)лар ёрдам қилди. Футбол бошқа спорт турларига қараганда, энг кўп мухлисни ўз атрофига тўплайди. Шу боис ҳар бир ўрашувга пухта ҳозирлик қўриб, ўйинларни ҳолис бошқаришга ҳаракат қилдик. Энг муҳими, бизнинг хатти-ҳаракатларимиз ФИФАнинг етакчи мутахассислари томонидан ижобий баҳоланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Эркин ХОЛБЕЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Лондонда ўтказилган XXX ёзги олимпия ўйинлари нўҳоясига етди. Шу ўринда ютуқларимиздан фахрланиш баробарида, қўлдан чиқаришдан имкониятларини тахлил этишимиз, хулоса чиқаришимиз зарур.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Орамиздаги одамлар

ОНАМ БИРИНЧИ БЕМОРИМ БЎЛГАН ЭДИ

— дейди Қорақалпоғистон Республикаси Саломатликни тиклаш шифохонасининг олий тоифали врачлари **Зухра Сратдинова**

— КЕЛГАНИМДА АҲВОЛИМ ЯХШИ ЭМАС ЭДИ, — ДЕЙДИ 83 Ёшли ПИРНАЗАР ҚУРБАНАЗАРОВ. — ЗУҲРАНИНГ МУОМАЛАСИ, ИЛИҚ ТАБАССУМИ ВА ШИРИН СЎЗЛАРИ РУҲИМНИ КЎТАРДИ. У ТЕЗРОҚ СОҒАЙИШИМ УЧУН АВВАЛО ЎЗИМДА ИШОНЧ ВА ИШТИЁҚ БЎЛИШИ КЕРАКЛИГИНИ ТУШУНТИРДИ.



— Ёшлигимдан отам менга «Сен албатта шифокор бўлишинг керак, бу улўқ касб, кишилар саломатлигини сақлашда хиссангни қўшасан, барчага керакли инсон бўласан, эл дуосини олсан» дер эдилар. — дейди Зухра Сратдинова.

Шу-шу шифокор касбини танлаш фикри пайдо бўлди. Мактабни битиргач Самарқанд давлат тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирдим. Ўқиш жараёнида тажрибали устозлар қўлида тахсил олиб, невролог-шифокор мутахассислигини эгалладим. Ҳеч

эсимдан чиқмайди, ўқишни битирган йилим онам бетеб бўлиб қолди. Уни ўзим даволадим. Волидам «Отанг бекорга шифокор бўл, демаган экан, баракалла қизим», деб миннатдор бўлганида ўзимда йўқ хурсанд бўлган эдим. Чунки, онам биринчи беморим эди-да! Шундан буён қайси беморни муолажа қилсам онам кўз олдимга келади. Шифохонамизга мурожаат этиб келаётган беморлар менинг онам, отам, ака-укам, опа-синглим кабиридир...

Шифохонада ўз касбининг фидойилари кўп. Бош шифокор, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Қо-зоқбай Жанибеков, врач кардиолог Гулистон Ҳасанова, терапевт Гулоим Абдуғалпарова ва бошқалар эл саломатлиги йўлида доимо камарбастадилар.

Муассаса яқинда 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ ҳисобига замонавий кўринишда реконструкция қилиниб, сўнгги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозирда мазкур шифо масканда 12 нафар врач ҳамда 60 нафарга яқин ҳамшира беморлар дардига малҳам бўлмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

AGROBANK

Бизнес доиранингизни кенгайтириш имкониятлари бор!

Агробанк мижозига айланган ва халқаро иқтисодий муносабатларингизни кенгайтиринг

www.agrobank.uz



Оила ҳақидаги ҳикматлар

Эр-хотин ёстиқдош бўлганларига қадар бир-бирининг одатлари, феъл-атворлари ва характерларини мукаммал ўрганмаган эканлар, уларнинг турмуши бахтли бўлмайди.

Эр-хотинлик фақат ҳузур-ҳаловатдан иборат эмас, у теппа-тенг мойиллик, ўзаро қизгин эҳтирос, характерлар ўхшашлигини тақозо қилади.

Муҳаббат оилавий машамаларни шу қадар ёқтирмайдики, чинакамига бахт-саодатли бўлмоқ учун бир-биринингизга энг олижаноб фазилатларни топа билмоғинг керак.

Оноре **БАЛЬЗАК**

ОБ-ҲАВО	16-17 - 08. 2012
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+22 / +25	+38 / +41
Бухоро ва Намовий вилоятлари	
+22 / +25	+38 / +41
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+22 / +25	+38 / +41
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+22 / +25	+38 / +41
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+20 / +23	+36 / +39
Тошкент шаҳри	
+22 / +24	+38 / +40
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+17 / +20
Париж	+15 / +19
Москва	+14 / +12
Мадрид	+18 / +20
Пекин	+20 / +21
Канберра	-2 / +2
Рим	+20 / +20
Афина	+23 / +24
Токио	+27 / +27
Стокгольм	+13 / +13
Кейптаун	+9 / +10
Қоҳира	+23 / +25
Гавана	+25 / +25
Вашингтон	+22 / +23

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчи палатасидаги фракцияси ҳамда Қорақалпоғистон республика партия кенгаши Тахтақўпир туманидаги «Адилет-Тахта» муқобил машина-трактор парки раиси, Ўзбекистон Қажрамони

Ағитай АДИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши халқ депутатлари Зангиота туман Кенгаши депутати, «Меҳнат гуруҳ» корхонаси бош директори Асом Зоҳидовга онаси **МУҲАРРАМ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Хизмат кўрсатиш бўлими қошидаги «Ҳосилот сервис» шўба корхонаси вазирлик тизимидан чиқарилаётганлигини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kutilibyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzilli Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10525
nuxsada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 00.10

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5